УДК 808.1

ЧЎЛПОННИНГ МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА ПЕДАГОГИК-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Д.З. Абдуллаева

Мақолада Абдулҳамид Чўлпоннинг мактаб, маориф, таълим соҳасидаги фаолияти, педагогик қарашлари таҳлил қилинган. Жадид адибнинг илк мақолалари, сафарномаларида ҳамда архив ҳужжатларида янги усул мактаблари, кутубхона очилиши ҳақида маълумотлар учрайди, бу қайдлар ва материаллар шарҳланган. Чўлпоннинг Маориф назорати қошидаги "Вақф", "Нашри маориф", "Кўмак" каби уюшмаларида ишлагани, айниқса, хорижда ўқийдиган талабаларга моддий ёрдам бериш ишларининг ташаббускори бўлгани ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: *Чўлпон ва маориф, янги усул мактаблари, Андижонда маориф, "Вақф", "Кўмак" уюшмаси, Чўлпоннинг педагогик қарашлари.*

В статье анализируется деятельность Абдулхамида Чулпана в области просвещении, образования и педагогические взгляды. В своих первых статьях, путевых заметках Чулпана, также архивных документах встречаются сведении об открытии новометодных школ, эти сведении комментируются в статье. Чулпан работал в таких объединениях, как «Вакф», «Нашри Маариф», «Комак» при "Маориф назорати" (Комиссариат "Просвещение"), был инициатором финансовой поддержки местных студентов, обучающихся за границей.

Ключевые слова: *Чулпан и образование, новометодные школы, образование в Андижане, объединение "Вакф", «Комак», педагогические взгляды Чулпана*.

Кириш

XX аср бошларидаги жадид зиёлилари жамиятни ижобий томонга ўзгартиришнинг биринчи шарти сифатида ҳар бир соҳада маърифатпарварлик ғоясини сингдириш деб билган эдилар. Жадид арбоблари эрк ва озодликка эришишда халқни маърифатли қилиш, ижтимоий онгни ўстиришни жамият тараққий этишининг омили деб ҳисобладилар. Маориф, таълим соҳасининг ислоҳ этилишини энг асосий вазифалардан бири деб белгиладилар. Шу боис уларнинг амалий фаолиятлари педагогик-маърифий қарашлари билан уйғун эканлигини кузатамиз.

Материал ва методлар

Чўлпоннинг маориф, таълим соҳасидаги фаолиятини ва педагогик-маърифий қарашларини ёритишда XX асрнинг 20-йилларидаги архив фондидан янги аниқланган ҳужжатлар, материалларга таянилди.

Масалани ҳал этишда таҳлил, қиёслаш, умумлаштириш усуллари қўлланилди.

Натижалар ва муҳокама

Чўлпоннинг таълим, маориф соҳасидаги амалий фаолияти алоҳида тадқиқ этилиши зарур масала бўлиб, мавзу бўйича олимлар томонидан айрим қайдлар, кузатишлар олиб борилган, лекин батафсил ёритилмаган. Чўлпоншуносликда мазкур масала бўйича олимлардан О.Шарафиддинов [1], Н.Каримов [2], Б.Қосимов [3], У.Долимов [4], Д.Қуронов [5], Б.Рўзимуҳаммад [6], С.Йўлдошбекова [7]ларнинг тадқиқот ва мақолаларида айрим фикр-мулоҳазалар, таҳлиллар мавжуд.

Чўлпоннинг мактаб, маориф, таълим соҳасига эътибор қилиши, муносабат билдириши ижтимоий, ижодий фаолиятининг дастлабки даврларидаёқ кўзга ташланади. 1914 йилда "Вақт" газетасида босилган унинг илк хабар-мақоласи "Адабиёт кечаси" ҳамда "Туркистонда тартибли мактаблар" мақоласи (1915) яқинда аниқланиб, илмий жамоатчи-

ликка маълум қилинган эди [8]. Хабар-мақолада Андижонда татар ёшлари томонидан адабиёт кечаси ўтказишга тайёргарлик бўлгани, бу каби жамоат ишларига ҳукуматдан иона ажратишларига умид қилингани, ёшларнинг эса арзимаган нарса учун тортишиб кечанинг ўтказилмай қолганига таассуф билдирилади [9; 10]. Иккинчи мақолада Туркистондаги янги усул мактабларининг очилиши, мактабларнинг ҳолати, ўқитиш билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз юритилади. Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг мактабга эҳтиёж сезаётганликлари, “Андижоннинг ўзинда кўнгил тутарарлиқ бир мактаб” йўқлиги, Шулуқ уездига қарашли Избосканда бир мактаб очилгани, бундай мактаблар Андижон, Ўш ва Марғилон шаҳарларида ҳам йўқлиги таъкидланади. Қизиқ томони шундаки, Чўлпон “Туркистон овулларида мактабга эҳтиёж шаҳарларга қараганда яхшироқ англашилиб боради. Шаҳар кўпроқ савдо ортидан боради, лекин қишлоқ халқи ҳақиқий илм ва ҳунар излайди” дейди. Андижон атрофидаги овулларда янги усулдаги мактаблар бўлатуриб, шаҳарда иккитагина мактаб: Зиёвиддин афанди ва тошкентлик Ҳасан қори мактаблари борлигини, қолганлари талабга жавоб берадиган ҳолатга келмаётгани афсус билан қайд этилади. Овул ва қишлоқлар ҳамда шаҳар аҳолисининг мактаб, ўқитиш ишлари, таълимга муносабати икки хил, яъни буткул бир-бирига зид эканига Чўлпон диққатини қаратади. Унинг мактаб, маориф борасида куюнчаклик билан фикр билдириши иккала мақола руҳидан сезилиб туради [11].

С.Йўлдошбекованинг тадқиқотида жадидларнинг маориф, маданиятга эътибор қаратганликларини, “Чўлпон публицистикасининг илк давриданоқ бу мавзуга алоҳида ўрин ажратилгани” таъкидланади ҳамда мисол тариқасида жадид арбобнинг “Мадрасаларимиз аҳволи” номли мақоласи келтирилади [7. Б. 162]. Мақола “Садои Фарғона” газетасининг 1915 йил 25 февраль сонида чоп этилган бўлиб, унда Андижондаги бир мадрасадаги салбий ҳолат танқид қилинади. “Вақт” газетасида чоп этилган мақолалари орқали эса Чўлпон публицистикасининг илк даври, шунингдек, унинг мактаб, маориф, таълимга оид ижодий фаолияти 1915 йил эмас, 1914 йилга тўғри келишини белгилаш мумкин.

Жадид адибнинг сафарнома жанрига мансуб асарларида ҳам даврдаги маориф тизими ҳақидаги масалаларга алоҳида эътибор қилингани кузатилади. “Ўш” сафарномасида шаҳарда иккита янги усул ва битта рус-тузем мактаби борлиги, уларда озчилик болалар ўқиши, шунингдек, “частний” (хусусий) ўқиш ҳам борлиги, бу ерда руслар оз экани, мавжуд мактабларнинг етарли эмаслиги, китобхона йўқлиги, лекин сўнгги кунларда китобхона очишга ариза берилгани айтилади [12. Б. 10]. Мазкур мақола “Шўро” журналининг 1915 йил 9-сонида чоп этилган. 1924 йил 17 июнда ёзилган “Чимкант хатлари” сафарномасида ҳам янги ва эски мактаблар ўзаро солиштирилади. Чўлпон “виқор ва диққат билан дарс бериб ётқан муаллимларни, бутун-бутун эътибор ва диққатға айланиб дарс тинглаб ётқан оврўпали болаларни” “оврўпали қизларни” кузатар экан, Андижоннинг Эски шаҳаридаги маҳалла мактабидан ҳар куни эрталабдан болаларнинг “Апаламза ал!” деб қаттиқ товушда бақиришларини эслайди [12. Б. 85]. Эски мактабларнинг танқид этилишининг сабабларидан бири ўқитишнинг ёдлашга асосланган “ҳижо” усули бўлиб, мактаб ва мадрасаларда дунёвий илмларнинг ўқитилмаслиги ёки кам ўқитилиши кабиларга Чўлпон танқидий муносабат билдиради.

М.Муҳаммаджонов “Турмуш уринишлари” асарида Чўлпон билан танишувида унинг 17–18 ёшлар чамасида экани, отаси эски мадрасани битирган, ҳар куни газета ўқиб олам ишларидан хабардор бўлиб турадиган киши экани, “Вақт” ва “Таржимон” газеталарини ўқиши тўғрисида алоҳида тўхталади. Шунингдек, Чўлпоннинг ҳар кун хусусий равишда русча ўқиши, Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб туриши айтилади [13. Б. 130]. Шунингдек, қариндош-уруғларининг болалари ва маҳалла болалари Чўлпоннинг тарғиботи орқали Андижонда очилган янги усул мактабларига кириб ўқий бошлаган эдилар. Чўлпон ҳақидаги мана бу фикрлар ҳам эътиборга молик: “Отасининг яккаю ягона ўғли ўша вақтдаги кўп аҳмоқ бойваччалар сингари кайф-сафога берилмасдан, кўп вақтини маърифат ишлари билан ўтказар эди. Ўша вақтдаги тўсқинликларга қарамасдан ҳатто етти яшар синглисини ўз маҳалласининг бир четида очилган янги усул татар қизлар мактабига ўқишга берган эди” [13. Б.130]. Мазкур воқеаларнинг тарихи ҳам ўша шўро инқилобидан аввалги йил-

ларга, тахминан 1914–1916 йилларга тўғри келади. Демак, Чўлпон ҳали ўспиринлик, ёшлик даврларидаёқ таълим олиш масалаларига қизиққан, маориф соҳасидаги ижобий янгиликларга хайрихоҳ бўлган.

Тўғри таъкидланганидек: “Чўлпон янги ҳукуматнинг маориф, маданият соҳаларида олиб бораётган ишларини қўллаб-қувватлади, камчиликларни аёвсиз танқид қилди. Халқнинг маърифатли бўлиши келгусидаги истиқлол учун курашда, ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилишда нечоғли муҳимлигини билган адиб “қизил” шиорлару гаплардан, “қизил” мушоҳадалардан чўчиб ўтирмади, ишга фойдаси тегса бас, деган тамойилга таянди” [5. Б. 15]. Дарҳақиқат, Чўлпоннинг публицистик мақолалари, насрий асарлари; ҳикоялар ва романида эски ва янги усулдаги мактаблар солиштирилиб, танқидий муносабатда бўлганини кузатиш мумкин.

Жадид арбобнинг маърифий-педагогик қарашлари бўйича унинг публицистик мақолалари, бадиий асарларидан маълумотларга эга бўлсак, даврга оид расмий ҳужжатлар орқали эса Чўлпоннинг маориф соҳасидаги фаолиятига оид тарихий фактлардан хабардор бўлиш мумкин. 1919–1920 йилларда Чўлпон Андижон ва Фарғонада маориф тизимида жуда фаол хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида бир неча вазифада фаолият юритгани, маориф тизимида ишлаганлиги ҳақида яқинда топилган архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди. Улардан бири Чўлпоннинг Фарғонада эканлигида вилоят Турк муаллимлар курсидан Андижон маориф шўъбаси мудири Максимовга йўллаган хати бўлиб, унда Чўлпон Мусулмон болалар уйидаги ҳолат ҳақида мурожаат қилади [15. Б. 109]. Хат 1919 йил 26 июнда, рус тилида ёзилган. Маълум бўлишича, Мусулмон болалар уйидаги бир неча болалар бу ердаги аҳволдан норози бўлганлар. Болалар уйи назоратчилари Умархон Мирзаев ва Исмоил Сафаровлар ўзаро уришган ҳамда Мирзаев ишлашдан бош тортиб бўшаб кетган. Яна ўқитувчилар машғулотларга келмаганлар, гимнастика машғулоти фақат бир марта бўлган. Бу ердаги ўқитувчи-курсантлар ҳолатдан жуда хафа эканликлари ва уларнинг Максимовга, Алимовга бу ҳақда хабар етказишни сўраганликлари ёзилган. Чўлпон Максимовдан иложи борича тезроқ зарурий чора кўришини сўраган ва кўрилажак чора ҳақида маълумот юборишини ундан илтимос қилган. Болаларнинг ҳозирча шу ерда (болалар уйида) экани, уларнинг ялангоёқ юрганликлари, устлари кир экани, лўлилар каби қаер тўғри келса, ўша ерда ётиб кетаётгани айтилган.

1922–1923 йилларда маориф соҳасида жадидлар амалий ишларни ривожлантирадилар. 1922 йилнинг декабрида Тошкентда “Нашри маориф” жамияти тузилиб, Чўлпон унинг таъсисчиларидан бири бўлади [2. Б. 164]. Ушбу жамият қошида тузилган “Кўмак” комиссияси юртимизда ва хорижда таълим олаётган талаба ёшларга амалий ва моддий ёрдам беришни кўзда тутган эди. Андижон вилояти давлат архиви фондидаги ҳужжатлардан бирида шу ҳақда маълумотлар мавжуд. Мажлис раиси Музофот инқилоб қўмитасининг раиси Алихўжаев ва саркотиб Абдулҳамид Сулаймон (“Дархон” газетаси ишчиларидан) деб қайд этилган [16. Б. 314]. 1923 йил 4 августда ўтказилган мажлис баённомасидан маълум бўлишича, бу йиғинда “масъул ишчилар, маориф ходимлари, маорифсевар ёшлар, Андижондаги маориф ишларига масъуллар” иштирок этганлар. Кун тартибига қўйилган бешта масаладан тўрттаси маориф ишларини жадаллаштириш бўйича бўлиб, биринчи масала “Андижонда маориф ишларининг бориши тўғрисида маориф назорати” ҳақида Касаткиннинг маърузаси бўлган. Маърузадан келиб чиқиб, мажлис қуйидагиларни қарор қилган: “Маориф назорати, ҳақиқатдан жумҳуриятнинг энг ёмон молия танглиги вақтида ишлаган, шу учун албатта кўб нарса ишлай олмаган. Шундай бўлса ҳам Маориф назоратининг ўзини, бирини тугал бўлмаган мактаблари билан бирга яшатиб келган. Назоратнинг фаолиятда кўрилган бир камчилиги: эски муаллимлар, эски маориф аҳлларини ўз теграсига тўплай олмаганидир. Андижонда маориф ишларининг тарақламаслиғиға моддий жиҳат билан бирга шу жиҳат ҳам кўб сабаб бўлған. Шу учун Маориф назоратининг фаолияти тўғрисида шундай бир фикрга келмак мумкин: Маориф шўъбасининг ишлари унча ҳам қаноат қилғундай эмас. Шу жиҳатдан шаҳаримизда маориф ишларини яхши йўлга қўймоқ учун қуйидағи ишларни қилмоқ керак:

1. Маориф назоратига бурунғи маориф ходимларидан ва шаҳаримизга келган меҳмонлардан, ишламакдан учун кишилар киргизилсун.

2. Маориф назорати янгидан-янги мактаблар очиб, уларни беҳуда кўпайтиш ўрнига оз бўлса ҳам мавжуд мактабларнинг моддий ва маънавий жиҳатларини яхшилаш йўлини қарасун.

3. Шаҳаримиздаги ўрта мактаб (техникум)га тубжой халқдан тезлик билан талабалар киргизилсун.

4. Вақф шўъбаси билан биргалашиб ишлаш (кантакт) асосида алоқа қилинсун. Маориф назорати вақф шўъбасига тобеъ муассаса қаторида қарамасун.

5. Маориф назоратига қарашлиқ киримлик жойлар, дўконлардан бошқалари назорат қўлида қолдирилсун. Бу тўғрида инқилоб-ҳарб қўмитасига мурожаат қилинсун.

6. Китоблар олмоқ йўли билан қироатхона кучайтирилсун ва бу тўғрида жиддий ҳаракат қилинсун.

7. Маориф назоратиға топширилсунким, оталиқ (шефство) ишини яхши йўлга қўюш тўғрисида ўз фикрини ёзиб, бир ҳафтанинг ичида инқилоб қўмитасига топширсун.

8. Таълим-тарбия қурсларининг маънавий ёғиға аҳамият берилсун” [16. Б.314].

Биринчи банд бўйича англашиладики, маориф назоратига тажрибали, илгари шу соҳада ишлаган кадрлар ҳамда шаҳарга келган зиёли кадрлардан ишга қабул қилиниши маъқул деб топилган. Маориф назоратининг иши мактаблар сонини кўпайтириш, кўплаб мактаблар очиш эмас, балки борларининг сифатини ошириш, моддий таъминотини яхшилаш кераклигига урғу берилган. Шунингдек, ўрта мактаб (техникум)ларга тубжой аҳолидан талаба жалб қилиниши ҳам кун тартибидаги муҳим масала эканлиги тушунилади. Вақф шўъбасининг ўқувчи, талабаларга моддий ёрдам бергани ҳақида маълумотлар архив материалларида кўплаб учрайди. Мазкур баённомада ҳам ушбу шўъбанинг Маориф назорати билан ҳамкор ишлаши, лекин унинг алоҳида мустақил идора экани таъкидланган. Маориф ишларини яхшилаш учун моддий таъминотнинг кучайтирилиши ҳам кўп бор таъкидланган, хусусан, Маориф назоратига қарашли ерлар ва дўконларнинг маблағ ажратишини назорат қилиниши айтиб ўтилган. Шаҳарда қироатхона (кутубхона) ишини жадаллаштириш учун китоблар сотиб олиниши зарурлиги белгиланган. Мазкур ишлар билан ҳам кўпроқ Чўлпоннинг ўзи шуғулланган. Архив ҳужжатларининг яна бирида Чўлпоннинг Тошкентга қуйидаги ишларни бажаришга юборилгани ҳақида буйруқ бор: 1) Туркистон нашриётига заказ қилинган китобларни келтирув, 2) Иқтидорли муаллимлар чақирув, 3) Мусулмон адабиёти ва ўқув асбоблари келтирув ва ғайрилар [17. Б. 7].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Чўлпоннинг халқни маърифатли қилиш борасидаги унинг амалий фаолияти қарашлари билан айнан эди. Фарғона вилоят давлат архивидан аниқланган Чўлпоннинг 1920 йилда партия билети учун тўлдирилган шахсий анкетасида билет тўлдирилгунга қадар қайси касаба уюшмасида аъзо бўлгани ҳақидаги ўринда унинг Андижон шаҳридаги Мусулмон ўқитувчилар уюшмасида аъзо бўлгани, қаерларда фаолият олиб боргани ҳақидаги саволга жавоб тарзида эса унинг 1917 йилда Андижон шаҳрида кутубхона мудири, 1918 йилда ўқитувчи (ўша ерда), турли йилларда “Туркистон овози”, “РосТА” редакцияларида ишлаганлиги қайд этилган [18. Б. 86]. Чўлпоннинг Андижонда кутубхона мудири бўлганлиги ва ўқитувчилик билан ҳам шуғулланганлигига доир бу янги манба ва маълумотлар орқали унинг ижодий, ижтимоий фаолиятини кенгроқ тасаввур қилиш имконига эга бўламиз.

Юқорида зикр этилган мажлис баённомасининг кун тартибидаги иккинчи масаласи “Бошқа шаҳарлардаги талабаларга ёрдам тўғрисида” бўлиб, мавзу бўйича Чўлпон нутқ сўзлаган. Ушбу масала бўйича мажлис қарори қуйидагича: “Шу иш билан шуғулланиш лозим бўлуб ва шу кун ўлик ҳолида бўлған “Кўмак” уюшмасини тиргизмак ва умуман талабаларга ёрдам хусусида чоралар топиб инқилоб қўмитасига арз қилмоқ учун ушбу ўртоқлардан иборат (4 кишилик) камиссия сайлансун: 1) Абдулҳамид Сулаймон, 2) Насруддин Қоризода, 3) Абдулҳай Айюб, 4) Абушоҳ Аҳмадов” [16. Б. 314].

Кейинги ўринда “Таълим-тарбия қурслари тўғрисида”ги масала бўйича зарурий чора тадбирлар белгиланган: “Қурснинг охир ойи бўлған шу ой орасида қийинчиликға қолиши тўғрисида маориф вакили ўртоқ Камаев маърузасини эшиткандан сўнг мажлис қарор берадир:

1. Инқилоб қўмитасидан сўралсунким, тезлик билан қурснинг бир ойлиқ таъминотини топиб берилсун. Шу билан баробар Вақф шўъбаси ҳам яна ёрдамда бўлунсун.

2. Курс талабаларига ўз районларидан келатурган ёрдамлар уларнинг ўзларига берилмасдан ҳамма талабалар учун умумий дастмоя ўлароқ сарф қилинсун ва ул ёрдамлар Мориф назорати орқали ўтсун" [16. Б. 314].

Мажлиснинг биринчи қисмида Андижондаги мориф ишларининг қониқарли эмаслиги бўйича иккита сабаб кўрсатилган: моддий таъминотнинг етарли эмаслиги ва мактабларда эски муаллимлар тўпланмаганлиги. Мажлиснинг қарор қисмларидаги таклиф ва кўрсатмалар асосан Чўлпон томонидан шакллантирилган ва белгиланган ҳамда унинг ташаббуси билан амалга оширилган десак хато қилмаган бўламиз. Негаки, айни шу вақтларда унинг матбуотдаги чиқишларида ҳам мазкур масала илгари сурилади. "Андижонда маориф ҳафтаси" номли мақоласида Чўлпоннинг бу борада асосан танқидий муносабати намоён бўлади. Мақола "Фарғона" газетасининг 1923 йил 29 октябрь 115-сонида "Қ" (Қаландар) имзоси билан босилади [19. Б. 206]. Юқоридаги мажлис баённомасида "Мориф шўъбасининг ишлари унча ҳам қаноат қилғундай эмас" дейилган бўлса, мақолада "Бизнинг Андижонда ҳам мориф жуда шарпасиз ўтиб борадур. Мориф теграсида юрган бир неча кишидан бошқалар у хусусни дарёнинг нариги ёқасига ўтказиб қўйғанлар, шекиллик!" деб киноя қилинади.

Мажлис баённомасидаги иккинчи масаладан шу нарса маълум бўладики, тузилгану, лекин фаолият олиб бормаётган "Кўмак" уюшмасининг ("шу кун ўлик ҳолида бўлган "Кўмак" уюшмасини тиргизмак") ишларини жонлантириш асосан Чўлпон зиммасига тушади. Мазкур уюшманинг биринчи йиғилиши Мориф ишлари бўйича ўтган мажлиснинг эртасигаёқ, 5 август куни ўтказилган. Бу ҳақдаги мажлис баённомасида уюшма аъзолари Абдулҳамид Сулаймон, Насриддин Қоризода, Абдулҳай Айюблар келганликлари қайд этилган [16. Б. 317, 319]. Биринчи масала "Кўмак" уюшмаси тўғрисида бўлиб, "Кўмак" ва "Нашри маориф" жамиятлари аъзоларининг умуммажлиси чақирилиши ҳақида қарор чиқарилган. Иккинчи масала "Бошқа шаҳарлардаги талабаларга ёрдам ҳақида" бўлган. Ёрдам кўрсатишнинг икки тури белгиланган: а) тезлик билан ёрдам; б) доимий ёрдам ҳақида.

Тезлик билан ёрдам бўйича шаҳарнинг катта боғида сайл ташкил қилиниши, сайл учун 7000 билет чиқарилиши ҳамда билетнинг 6 минги уязднинг 6 районига берилиши, қолган мингтаси шаҳарга қолдирилиши кўрсатилган. Сайлга кимлар масъул бўлиши ҳам белгиланган. Сайлдан тушган маблағ талабаларнинг кийим-бошлари ва бошқа нарсалари таъминланиши кўзда тутилган.

Доимий ёрдам қисмида Мориф ширкати ташкил қилиниб, Эски шаҳар бозорларининг шу ширкатга берилиши, ширкатнинг талабаларга, мориф ишларига ёрдам қилиши кераклиги ҳақида қарорда келтирилган. Қарорнинг кейинги бандида ЭКОСОС (Экономический и социальный совет – Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш) ва хўжалик идораларининг ёрдам бериши ҳам назарда тутилган, талабаларга ким томондан ёрдам қилинишининг чора-тадбирлари кўрсатилган. Булардан область инқилоб қўмитаси томонидан район инқилобий қўмитаси ва район қўмиталарига ёрдам пули йиғиб беришлари ҳақида ўртоқлик хатлари ёзилиши, бу ишга нуфузли ва эътиборли кишилардан вакиллар жалб қилиниши ҳақида сўзланган. Подшоҳлик ёки миллийлаштирилган, экилмай бўш турган ерлардан каттароқ экин экиладиган ер ажратилиши, бу ерга уруғни хлапком (пахта комбинати) бериши ва ишчи кучи "Қўшчи" союзидан олиниши режаси баён қилинган.

Мазкур баённома Чўлпоннинг Андижон инқилоб-ҳарб қўмитасига расмий хати билан бирга юборилган. 1923 йил 11 августда битилган хат қуйидагича: "Ушбунинг баробарида "Кўмак" камисасининг 1 нчи сонли пратакўлини топшириб, тасдиқ қилмоғингизни ва юзага чиқаришда кўмак қилмоғингизни сўрайман" [16. Б. 316].

Чўлпоннинг талабаларга ғамхўрлиги, уларга моддий ёрдам беришга ҳаракатлар бўлгани ҳақида бир кичик хат мазмунидан билиш мумкин. Яна бу хатлар таҳлилига бағишланган мақолада ҳам алоҳида сўз юритилган [20. Б. 918–925]. Андижон ҳарбий-инқилобий қўмита бошлиғи Исҳоқ Ғозиевга ёзилган хатда қўқонлик 7 нафар талабага ёрдам бериш зарурлиги айтилган: "Ўртоқ Ғозиев! Хўқанддан келган талабалар 7 кишимиз дейдирлар. Сурушдуруб, сўнгра бир нарса бериб юбориш керак эди. Мен ўзим ожизликнинг ниҳоятидан сизга юбордим. Имзо: Ҳамид Сулаймон. 1923 20/VIII" [16. Б. 573 а].

Чўлпон Андижонда Вақф шўъбасида фаолият олиб борар экан, бошқа юртда ўқийдиган андижонлик талабаларга моддий ёрдам

кўрсатади. Унинг 1923 йилнинг 14 октябрида И.Ғозиевга ёзган яна бир хатидан маълум бўлишича, Аҳмедов фамилияли андижонлик талабага Вақф шўъбаси томонидан ёрдам берилган. Талаба Самарқанддаги институтда ўқир экан. Унга поездда бепул кетишга ёрдам бериш ва литер (бепул ёки имтиёзли йўл чиптаси гувоҳномаси) берилишини сўраб Чўлпон шундай давом этади: “Энди бу боланинг поездда бепул кетиши учун ёрдам қилмоғингизни сиздан сўраб қоламиз. Ҳарбий идораларидан бирарта литер олиб бермак имкони бўлса керак. Бу ўртоқнинг қобилияти, ахлоқи, ўқуши ва ҳаракати жойида. Фақат ёрдам лозим” [21. Б. 387]. Кўринадики, Чўлпон мазкур талабаларни шахсан таниган. Кейинги хатда талабага берилган таърифдан Чўлпоннинг иқтидорли талаба ёшларга ҳамиша эътиборли ва хайрихоҳ бўлганини англаш мумкин. Ушбу хатнинг остига И.Ғозиевнинг рус тилидаги жавоби ёзилган бўлиб, Халқ таълими бўлимига талабанинг Самарқандга бепул етиб олиш ҳуқуқи берилиши ҳақида топшириқ қайд этилган. Айни шу хатда топшириқнинг бажарилгани ҳақида қайд ҳам бор.

Хорижда ўқиётган талабаларга ёрдам берилгани ҳақида Чўлпоннинг “Четдаги талабаларимизга ёрдам” номли мақоласида ҳам сўз боради [19. Б. 214]. Унда келтирилишича, Германиянинг Олий зироат институтида ўқиётган Абдуваҳоб Муродийдан “Кўмак” уюшмасига хат келади. Хатда бу талабанинг моддий таъминотига масъул киши вафот этиб, ҳозирда таъминотсиз қолгани, ўз юртидан ёрдам кўрсатилмаса, ўқишдан кетишга мажбур бўлиши баён қилинади. 23 ноябрь, 1923 йилда Тошкентдаги ёшларнинг гап мажлисида шу хат ўқиб эшиттирилгач, йиғилганларнинг ҳаммаси ойликларининг йигирма беш фоизини талабага ажратишларига келишилади. Яна бошқа хусусий ёрдамлар билан бирга бир миллиардга яқин пул йиғилади.

Чўлпоннинг янги усул мактабларини маъқуллаган ҳамда замонавий таълимнинг афзалликларини кўра билган маърифатпарвар эди. У турли босқичдаги мактаблар, олий ўқув юртлари, савод чиқариш курсларининг дарсликлар, қўлланма ва хрестоматиялар билан таъминланиши бўйича ташаббус кўрсатган эди. У.Долимов: “Усули жадид” мактабларининг вужудга келиши билан анъанавий ўқитиш усулларини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва шу усуллар заминида дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиш жадид педагогикасининг долзарб масаласига айланди. Жадид педагогларининг ўқитиш методлари соҳасидаги фаолиятлари, асосан, уларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз ифодасини топган” деб ёзган эди [4]. Шундай ишларнинг бири сифатида 1924 йилда Маориф комиссарлиги қошидаги Илмий комиссия Чўлпонга уч жилдлик “Адабиёт хрестоматияси”ни тузишни топшириқ сифатида беради. Ўша йилнинг ўзида Чўлпон ва Ашурали Зоҳирий ҳаммуаллифликда Қўқон ва Тошкентда ушбу жилдликнинг биринчи қисмини тузадилар ҳамда 1926 йилда мазкур адабиёт чоп этилади [21]. Хрестоматиянинг фақат биринчи жилди тайёрланиб нашр қилинади, холос. Китоб 227 саҳифадан иборат бўлиб, “Ўзбекистон давлат нашриёти” томонидан чоп этилган. Мазкур хрестоматия титулида “Талабалар, ўқитғувчилар ва умуман адабиёт севгувчилар учун” деб қайд этилган. “Ноширдан” деб номланган илк саҳифада қуйидагича изоҳ ёзилган: “Қўлингизга берилган “Адабиёт парчалари” китоби катта мактабларимизда ўқиғучи талабалар учун “Терма дарслик-хрестоматия” равишида босдириш истаги билан атоқли адиб ёзувчиларимиздан тузитилган эди. Бироқ “Терма дарслик-хрестоматия” учун адабий материалларғина етмади, китобни сиёсий ва ижтимоий, фанний, усул таълим-тарбия жиҳатидан яна кўб материаллар билан тўлғазиш керак бўлди. Ўзбекистон давлат нашриёти шу камчиликни тўлғазиш йўлида кўб ҳаракат қилса ҳам ҳалигача шу материалларни кўнгилдагидай қилиб ёзиб ва тузиб берадирган қалам эгалари топилмади.

Қимматлик адибларимизнинг қимматлик хизматлари натижасиз қолмасин учун талабаларга махсус бир дарслик бўлиш ўрниға айрим бир адабий асар сифатида “Адабиёт парчалари” номида босиб чиқаришни лозим топдиқ. Адабий асарларга чанқаған талабаларимиз ва ўқитғувчиларимиз баробарида умуман адабиёт севгувчилар баробарида дарслик тузгучиларга ҳам фойдадан ҳоли бўлмас деб умид қиламиз” [21. Б. 3].

Ушбу изоҳлардан олий ўқув юртлари учун адабиёт фанидан дарслик тузиш бўйича катта режа тузилганлиги, бироқ уни бажарадиган мутахассислар етарли бўлмагани, адабиёт бўйича материалларнинг етарли бўлмагани сабабли сиёсий, ижтимоий, таълим-тарбия,

методик йўналишларга доир матнлар ҳам киритилгани англашилади. Аслида “махсус дарслик” бўлиши кўзда тутилганлиги, лекин айрим асарлардан олинган парчалар бўлгани сабабли “Адабиёт парчалари” деб ном қўйилган. Ушбу хрестоматиянинг тайёрланиши қийин кечгани учун кейинги жилдлар тайёрланмаган деб хулоса қилиш мумкин.

“Адабиёт парчалари” дарслик-хрестоматияси (А.Зоҳирий билан ҳаммуаллифликда) Чўлпоннинг маърифий фаолиятининг маҳсули сифатида катта аҳамиятга эга ва унинг алоҳида ўрганилиши долзарблик касб этади. Дарслик-хрестоматиянинг мундарижаси кенг қамровли бўлиб, унда Чўлпоннинг “Нонушта”, “Сени кўб кўрмасун”, “Тўй чиқиб қолди”, “Йўлда бир кеча”, “Йўлда бир кундуз” насрий асарлари, “Куз”, “Халқ”, “Ўтли сўз”, “Виждон эрки”, “Бир тилла қўнғуз”, “Шарқ қизи”, “Оппоқ ой”, “Яна қор”, “Бинафша”, “Баҳорда” шеърлари ва Ашурали Зоҳирийнинг мумтоз адиблар ижодидан тайёрлаган намуналар, шунингдек, А.Қодирий, Элбек, Боту, Олтой, Лутфулла Олимий, Ҳулкар, Ғайратий, Шокир Сулаймон, мумтоз шоир ва адиблардан Алишер Навоий, Бобур, Муқимий асарларидан берилган. Жаҳон адабиётидан Р.Тагор, Фузулий, О.Афғоний, А.Рўзи, Али Улвий асарларидан Чўлпон таржимасида киритилган. Бу асарлар турли жанрларда, ранг-баранг мавзуларда бўлиб, ўқувчининг бадиий тафаккурини шакллантиришга қаратилган, адабиётга қизиқишини оширадиган, дунёқарашини кенгайтиришга, ижтимоий-сиёсий онгини ўстиришга хизмат қиладиган асар матнларидир.

Бадиий таржима билан ҳам шуғулланган Чўлпон ўзининг жадид маърифатпарварлик ғояларига мувофиқ йўл тутади. Унинг таржима учун танланган асарларида ҳам мактаб, маориф, таълим мавзулари алоҳида кўзга ташланади. Хусусан, П.Орешиннинг “Янги домла”, Е.Зартнинг “Қиммат” ҳикояларида янги, замонавий мактабнинг нечоғли аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Чўлпон таржимасидаги А.Пушкиннинг “Булбул ва гул”, “Банди”, А.Блокнинг “Кўнгил жимдир...”, “Одам ва қуш”, И.Криловнинг “Бўри билан қўзичоқ”, И.Тургеневнинг “Чўри қиз”, Мордвинкиннинг “Деҳқон билан большевик, буржувой билан генерал тўғрисида”, А.Серафимовичнинг “Хотин-халаж қишлоғи”, Л.Сайфулинанинг “Ичкари” каби шеърий ва насрий асарларда ҳам шахс эрки, инсон ва жамият ўртасидаги конфликт, эскилик ва янгилик кураши, жаҳолат ва маърифат ихтилофи каби масалалар илгари сурилади. Чўлпон ушбу таржима асарлари орқали ҳам ўз даври муаммоларига муносабат билдирди, кишиларни мазкур масалаларга эътиборини тортишга ҳаракат қилди.

Хулоса

Ўтган асрнинг 20-йилларида шаклланган ўзбек жадидчилик ҳаракатининг асосини маърифатпарварлик, миллий ўзликни англашга чорлаш ғоялари ташкил қилади. Жадид арбобларнинг маориф ва таълимга алоҳида эътибори уларнинг фаолияти, асарларининг моҳиятига сингган эди. Чўлпон ўтган асрнинг 20-йилларида маориф тизимида фаолият олиб борди, лекин унинг таълим ҳақидаги қарашлари анча илгари, ўсмирлик ва ёшлик йилларидаёқ шаклланганини айта оламиз. Чўлпоннинг Туркистонда таълим тизимининг эскиргани, янги усул мактабларининг эса кам эканлиги ҳақидаги танқидий муносабатлари давр матбуот саҳифаларида ёритилган. Андижон, Фарғона ва бошқа вилоятлар шаҳар, қишлоқларидаги мактабларнинг ҳолати қониқарли эмаслигини ёритади ҳамда бу соҳада қилиниши зарур бўлган вазифаларни кўрсатиб ўтади. Чўлпоннинг маориф соҳасидаги фаолияти ва педагогик қарашларини белгилашда архив ҳужжатлари ҳам муҳим омил ҳисобланади. Архив ҳужжатлари Чўлпон таржимаи ҳоли, ҳаёт йўлига доир янги аниқ фактларни беради, бу эса жадид арбоб фаолиятини кенгроқ тасаввур қилиш имкониятини пайдо қилади. Ўз даврида Маориф комиссарлиги қошидаги “Вақф”, “Кўмак”, “Нашри маориф” жамиятларида фаолият олиб борган Чўлпоннинг бошқа шаҳарларда ва хорижда таълим олаётган талабаларга моддий ёрдам бергани архив ҳужжатларида акс этган. Мактаб ва ундан кейинги таълим босқичлари учун зарурий дарслик ва қўлланмалар ҳақидаги фикрлари Чўлпоннинг публицистик асарларида ифодаланган бўлса, унинг амалий намунасини “Адабиёт парчалари” дарслик-хрестоматиясининг яратилишида кўрамиз. Жаҳон адабиётидан қилинган таржималар ҳам жадид ғояларига ҳамоҳанг бўлиб, улар-

нинг аксарияти Чўлпон қаламига тааллуқлидир. Чўлпон жадид педагогикасининг энг кўзга кўринган вакилларидан бири сифатида ҳам фаолият олиб борди. Жадид педагогикаси ғоялари ва тамойилларининг айрим жиҳатларидан бугунги кун маориф ва таълим ишларида фойдаланиш ҳам бу соҳани тараққий эттиришда самарали натижаларни беради.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

Адабиётлар:

1. *Шарафиддинов О*. Чўлпон. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 112 б.
2. *Каримов Н.* Чўлпон (маърифий роман). – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.
3. *Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С*. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 296 б.
4. *Долимов У*. Жадид педагогикаси. – Тошкент, 2007. [Интернет манба]. URL: https://uz.denemetr.com/docs/768/index-281351-1.html (Мурожаат этилган сана: 08.08.22)
5. *Қуронов Д.* Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
6. *Рўзимуҳаммад Б*. Чўлпон тонг юлдузи демак. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. –72 б.
7. *Йўлдошбекова С*. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол.фанлари... номз. диссертацияси. – Тошкент, 2002. – 135 б.
8. *Абдуллаева Д., Мадгазиев И.* Чўлпон публицистикасига доир: янги аниқланган икки мақоласи ҳақида. // Academic Research in Educational Sciences, 2021. – Vol. 2. Issue 10. – Pp. 122–128.
9. «Вакыт» («Время») в Оренбурге. [Электронный ресурс]. URL: www.historybiz.ru>vyxod-pervogo-nomera. (Дата обращения: 03.07.22)
10. Чўлпон. Адабиёт кечаси. // وقت Вақт. 1914 йил 23 май.
11. Чўлпон. Туркистонда тартибли мактаблар. // وقت Вақт. 1915 йил 15 июль.
12. *Чўлпон А.* Сафарнома ва йўлдаги битиклар. – Тошкент: “Академнашр”, 2016. – 96 б.
13. *Муҳаммаджонов М*. Турмуш уринишлари. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964. – 180 б.
14. АндВДА, 128-фонд, 1-рўйхат, 16-рақамли иш, 109-бет.
15. АндВДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 221-рақамли иш.
16. Ўзбекистон Миллий архиви Р-56 фонд, 1-оп. 223 ед.хр. 7-бет.
17. Фарғона вилояти давлат архиви Партия архиви бўлими 1-фонд, 1-а оп. 211 ед.хр. 86-б.
18. *Чўлпон А.* Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. (Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Д.Неъматова). – Тошкент: “Академнашр”, 2016. – 384 б.
19. *Абдуллаева Д., Мадгазиев И.* Чўлпон мактублари ва янги топилган ёзишмалари тадқиқига доир // Academic Research in Educational Sciences, 2022. – Vol. 3. Issue 3. – Pp. 918–925.
20. Анд ВДА, 128-фонд, 1-рўйхат, 68-йиғмажилд, 387а-б саҳифалар.
21 ع سؤلهيمان وه ع زاهي ري يهده بيا ت پار چالا ري А.Сулаймон ва А.Зоҳирий. Адабиёт парчалари. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926. – 227 б.

CHULPAN'S ACTIVITY AND PEDAGOGICAL-EDUCATIONAL VIEWS IN THE FIELD OF EDUCATION

D.Z. Abdullaeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Pedagogical Research. 2022. 6(66). 16–25.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Chulpan and education, new method schools, education in Andijan, "Waqf", "Ko'mak" association, pedagogical views of Chulpon.

The modern intellectuals of the beginning of the 20th century believed that the first condition for changing society in a positive direction is to inculcate the idea of enlightenment in every field. Jadid

figures considered the development of social awareness and enlightenment of the people to achieve freedom and freedom as a factor of the development of the society. Maarif defines the reform of the education sector as one of the most important tasks. Therefore, we observe that their practical activities are in harmony with their pedagogical and educational views.

Chulpan's activities in the field of education and pedagogical-educational views were based on newly discovered documents and materials from the archive fund of the 20s of the 20th century. Methods of analysis, comparison, and generalization were used to solve the problem.

It is a necessary issue to study the practical activities of the shepherd in the field of education. His attention and attitude towards the school, education, and the field of education are visible in the early stages of the social and creative activity of the young man. Chulpan's article "Night of Literature" (1914) and "Orderly Schools in Turkestan" (1915) published in "Vaqt" newspaper, which was recently identified by experts, expressed a humorous opinion about education, literature, new method schools in Turkestan, their condition, and issues related to teaching. The "Osh" travelogue also mentions the new method and Russian-system schools, their inadequacy, and the lack of a library. M.Muhammadjanov's work "Marriage Attempts" mentions that the Chulpan family was an enlightened family, and his relatives and sister went to a new method school through Chulpan's efforts.

If we have information about the educational and pedagogical views of Jadid from his journalistic articles and artistic works, we can learn about the facts and materials related to Chulpan's activities in the field of education through the official documents of the period

He was an enlightener who approved Chulpan's new method schools and was able to see the advantages of modern education. He initiated the provision of textbooks, manuals and textbooks to schools, universities, and literacy courses at various levels. If Chulpan's thoughts on necessary textbooks and manuals for school and later stages of education are expressed in his journalistic works, we can see his practical example in the creation of the textbook-chronology "Fragments of Literature". Translations from world literature are also in line with modern ideas, and most of them are written by Chulpan. Chulpan also worked as one of the most prominent representatives of modern pedagogy. The use of some aspects of the ideas and principles of Jadid pedagogy in today's educational and educational work also gives effective results in the development of this field.

References:

1. Sharafiddinov, O. (1991) Choʻlpon [Chulpan]. Tashkent: Choʻlpon.

2. Karimov, N. (2003) Choʻlpon (ma'rifiy roman). [Chulpan (educational novel)]. Tashkent: Sharq.

3. Kasimov, B. (et al.) (2004) *Milliy uygʻonish davri oʻzbek adabiyoti* [Uzbek literature of the period of national renaissance]. Tashkent: Ma ʻnaviyat.

4. Dolimov, U. (2007) *Jadid pedagogikasi* [Jadid pedagogy]. Tashkent. [Online].URL: https://uz.denemetr.com/docs/768/index-281351-1.html (Date of access: 08.08.22)

5. Kuronov, D. (1997) Choʻlponning hayoti va ijodiy merosi [Chulpan's life and creative heritage]. Tashkent: Oʻqituvchi.

6. Rozimuhammad, B.(1997) Choʻlpon tong yulduzi demak [Chulpan means the morning star]. Tashkent: Oʻqituvchi.

7. Yoldoshbekova, S. (2002) Choʻlponning publitsistik va muharrirlik faoliyati [Chulpan's journalistic and editorial activities]. The Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Tashkent.

8. Abdullaeva, D., Madgaziev, I.A. (2021) Choʻlpon publitsistikasiga doir: yangi aniqlangan ikki maqolasi haqida [About Chulpan's journalism: about two newly discovered articles]. *Academic Research in Educational Sciences*. Vol. 2. Issue 10. Pp. 122-128.

9. «Vakyt» («Vremya») v Orenburge. [Time]. [Online].URL: https//www.historybiz.ru>vyxod-pervogo-nomera. (Date of access: 03.07.22)

10.Chulpan. (1914) Adabiyot kechasi [Night of Literature].*Vaqt.* May 23.

11. Chulpan. (1915) Turkistonda tartibli maktablar [Regular schools in Turkestan]. *Vaqt.* July 15.

12. Chulpan, A. (2016) *Safarnoma va yoʻldagi bitiklar* [Travelogue and writings on the road]. Tashkent: “Akademnashr”.

13. Muhammadjonov, M. (1964) *Turmush urinishlari* [Marriage attempts]. Tashkent: Davlat badiiy adabiyot nashriyoti.

14. Andijon viloyat davlat arxivi [State Archive of Andijan region. (ARSA)]. fund 128, list 1, case number 16, page 109.

15. And RSA, fund 90, list 1, case number 221.

16.National Archives of Uzbekistan, R-56 fund, op. 1. 223 ed.xr. Page 7.

17. State archive of Fergana region, Department of party archives, 1st fund, 1st op. 211 ed.xr. 86 p.
18. Chulpan, A. (2016) Asarlar [Works]. In 4 volumes. Vol.4. (Compiler and editor: D.Ne'matova. Tashkent: "Akademnashr".
19. Abdullaeva, D., Madgaziev, I. (2022) Cho'lpon maktublari va yangi topilgan yozishmalari tadqiqiga doir [On the study of Chulpan's letters and newly discovered correspondence]. *Academic Research in Educational Sciences*.Vol. 3. Issue 3. Pp. 918-925.
20. And RSA, fund 128, list 1, collective volume 68, pages 387a-b.
21. Sulaymon A., Zohiriy, A. (1926) Adabiyot parchalari [Fragments of literature]. Tashkent: O'zbekiston davlat nashriyoti.

Муаллиф ҳақида маълумот:
АБДУЛЛАЕВА Дилдорахон Зумратбековна – филология фанлари доктори (DSc)., Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти. E-mail: dildora.abd@mail.ru